

Термиз туманида энергия ресурсларини талон-торож қилиш ҳолатини олдини олиш масалалари муҳокама қилинди



Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Ш.Аминов раислигига жорий йил 28 август куни Сурхондарё вилоятида энергия ресурсларини талон-торож қилиш ҳолатларини олдини олиш юзасидан ўтказилган йиғилишда берилган топшириқлар ижроси юзасидан Термиз туман ҳокимлигига туман прокурори, ИИБ, МИБ, Департамент бўлимлари бошлиқлари, шунингдек “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва “Худудгазтаъминот” АЖнинг туман филиаллари раҳбарлари ҳамда барча ходимлари иштироқида муҳокама бўлиб ўтди.

Тадбирда электр энергияси ва табиий газни талон-торож қилиш ҳолатларини фош этилиши, таъминот корхоналари ходимлари томонидан содир этилган жиноятлар ҳамда уларнинг оқибатларига қаратилган видео ролик намойиш этилди.

Масъуллар билан куз-қиши мавсумига тайёргарлик аҳволи танқидий таҳлил қилиниб, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш устувор вазифа эканлиги қайд этилди ва соҳалар ва йўналишлар кесимида мутасаддиларга тегишли вазифалар белгилаб берилди.